Биография

Шукур Носиров



Шукур Носиров 1933 йил 5 январда Сирдарё областининг Жиззах районида хизматчи оиласида туғилди. 1952 йилда шу райондаги Ҳ. Олимжон номли педагогика билим юртини, 1957 йили Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) Давлат университети филология факультетининг логика-психология бўлимини имтиёзли диплом билан тугатди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига (ўзбек тили диалектологияси секторига) ишга кириб, дастлаб лаборант, кейинроқ кичик илмий ходим вазифаларида ишлади. 1961—64 йилларда ўзбек диалектологияси бўйича аспирантурада ўқиди.

Шукур Носиров 1958—59 йилларда институт томонидан ташкил қилинган фольклор-диалектологик экспедицияларда иштирок этган. Самарқанд ва Қашқадарё областларидаги қатор қишлоқларда бўлиб, фольклор ҳамда диалектологияга оид кўпгина материаллар (масалан, Ем қишлоғи шевасига оид фактик материалларни, шаҳрисабзлик достончи Тош шоирдан «Авазхон ва Зулфизор» достонини) ёзиб олган.

Олим 1965 йилда проф. В. В. Решетов раҳбарлигида Қўқон шеваси бўйича кандидатлик диссертацияси ёқлади.

Ш. Носиров Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг диалектология секторида ишлаган.

Асарлари:

1960 Ём шевасининг баъзи бир морфологик хусусиятлари ҳақида. «Тилшунослик масалалари», тўплам, 1, Тошкент.

1961 Ём шеваси ҳақида. «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», тўплам, II, Тошкент.

1963 Қўқон шевасида келишик категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, Тошкент.

1964 Қўқон шеваси фонетикаси. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.
Қўқон шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 3-сон, Тошкент.

1965 Қўқон шевасида олмошлар. «Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкеит.

1966 Қўқон шевасининг баъзи бир лексик хусусиятлари. «Ўзбек шевалари лексикаси», тўплам, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.